

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг  
2021 йил II ярим йиллиги учун чора-тадбирлари режаси**

№	Тадбирнинг номи	Амалга ошириш механизми	Кутилаётган натижа	Бажариш муддати	Масъул ижрочи
<b>1. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрири</b>					
1	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид низомларнинг янги таҳририни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ҳамда амалиётга жорий қилишни таъминлаш.	Янги таҳрирдаги низомлар	Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилишни ташкил қилиш: Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом, Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом, Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом, Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби тўғрисидаги низом.	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат	ОАК (А.Юсупов, масъул ходимлар)
2	Янги таҳрирдаги низомлар асосида аттестация тадбирларини ташкил қилиш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Янги таҳрирдаги низомлар мазмун-моҳияти бўйича ОТМ/ИТМ илмий жамоатчилиги билан учрашувлар ташкил этиш, аттестация жараёни янги тартиблар асосида амалга оширишни ташкил қилиш.	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
3	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатини такомиллаштириш.	Рўйхатнинг янги таҳрири	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатини замонавий талаблар ва халқаро илмий-технологик макондаги сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.	2021 йил июль-декабрь	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
<b>2. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини юксалтириб бориш тадбирларини изчил давом эттириш</b>					
1	Илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.	Илмий-ташкилий аттестация тадбирлари	Янги таҳрирдаги низомларга мувофиқ аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.	2021 йил. Доимий	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар

2	Илмий жамоатчилик билан тизимли ва доимий равишда ўтказиладиган амалий учрашувларни изчил давом эттириш.	Учрашувлар (режа асосида)	ОТМ ва ИТМ илмий жамоатчилиги билан режа асосида учрашувлар мунтазам ташкил этиш, изланувчиларга жойида услубий ёрдам кўрсатиш ва муаммолар жойида ҳал этиш.	2021 йил. Доимий	ОАК ОТМ/ИТМ
3	Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан тизимли ва доимий равишда амалга ошириладиган мақсадли тадбирларни изчил давом эттириш.	Илмий-ташкилий тадбирлар	Тармоқлараро муаммолар тезкор ҳолда ҳал этилади ва мақсадли чора-тадбирлар мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш.	2021 йил. Доимий	ОАК вазирлик ва идоралар
4	Аттестация жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни изчил давом эттириш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар изчил давом эттириш. PhD ва DSc илмий даражаларида 2020 йилда тасдиқланганлар тўғрисида кенг қамровли маълумот берувчи маълумотномани китоб шаклида тайёрлаш.	2021 йил. Доимий  Июль-август	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар ОАВ
<b>3. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини такомиллаштириш</b>					
1	Талабгорларни фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларида мустақил тасдиқлаш ваколати олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ҳузуридаги амалдаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга қуйидаги муддатларда босқичма-босқич бериш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Ўз йўналиши бўйича нуфузли олий таълим муассасалари ҳузурида тузилган илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга талабгорларни PhD ва DSc илмий даражаларида мустақил тасдиқлаш ваколатини беришни ташкил қилиш;	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат (2021 йил сентябрь-октябрь)	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
			физика-математика, техника, география, тарих, юридик, психология, педагогика, фалсафа, филология, хорижий филология ва санъатшунослик фанлари йўналишларидаги илмий даражалар	2022 йил ноябрь-декабрь	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар

			берувчи илмий кенгашларга талабгорларни PhD ва DSc илмий даражаларида мустақил тасдиқлаш ваколатини беришни илмий-ташкилий жиҳатдан тайёрлаш.		
2	Талабгорларни доцент, катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларида мустақил тасдиқлаш ваколати олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларига қуйидаги муддатларда босқичма-босқич бериш:	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Республиканинг рейтинг бўйича энг яхши 30 та олий таълим муассасаси кенгашларига, ФА тавсия этган илмий ташкилотлар кенгашларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Мудофаа вазирлиги ҳайъати тавсия этган идоравий мансуб олий таълим муассасалари, шунингдек, Ҳукумат қарорларида назарда тутилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларига талабгорларни доцент, катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларида мустақил тасдиқлаш ваколатини беришни ташкил қилиш.	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат (2021 йил сентябрь-октябрь)	ОАК, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ОТМ/ИТМ
3	Олий аттестация комиссиясининг айрим функцияларини тегишлилигига кўра олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашлари ваколатига тўлалигича ўтказиш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Чет тили фани ва ихтисосликлар бўйича малакавий имтиҳонларни ҳамда кўшимча имтиҳонларни ташкил қилиш; “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фанидан махсус	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат (2021 йил сентябрь-октябрь)	ОАК, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ОТМ/ИТМ

			<p>имтиҳонни қабул қилиш;  илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар қошидаги илмий семинарлар таркибини тасдиқлаш;  илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар асосида бир марталик илмий кенгашларни тузиш;  (PhD ва DSc илмий даражалари диссертациялари илмий натижалари эълон қилинадиган миллий ва халқаро илмий нашрларда чоп этиладиган мақолаларни қабул қилиш (қилмаслик);  PhD ва DSc илмий даражалари бўйича тайёрланган диссертацияларни хорижий давлатларда ҳимоя қилинишига рухсат бериш.</p>		
4	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестация жараёни янада соддалаштириш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	<p>ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонларни сессия шаклида (февраль, май, ноябрь ва декабрь ойларида) қабул қилиш амалиётини бекор қилган ҳолда уларни ўқув йили давомида мунтазам ташкил қилишни йўлга қўйиш;  олий таълимдан кейинги таълим институтларига киришда чет тили фани бўйича имтиҳонни топширишни назарда тутган ҳолда мазкур имтиҳонни олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилгандан кейин топшириш амалиёти бекор қилиш;  фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари</p>	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат (2021 йил сентябрь-октябрь)	ОАК, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ОТМ/ИТМ

			<p>диссертациялари мавзуларини рўйхатга олиш ва уларни «Олий аттестация комиссияси Бюллетени»да эълон қилиш амалиётини бекор қилиш;</p> <p>илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қарори билан диссертацияни етакчи ташкилотда қўшимча муҳокамадан ўтказиш тартибини бекор қилиш;</p> <p>илмий даражалар берувчи илмий кенгашда талабгорларни илмий даражада тасдиқлашни “очиқ” овоз бериш йўли билан тасдиқлаш амалиётини йўлга қўйган ҳолда илмий кенгашда овоз бериш жараёнини ўтказувчи ҳисоб комиссиясини тузиш ва “ёпиқ” овоз бериш тартибини бекор қилиш;</p> <p>ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси диссертацияси бўйича монография эълон қилиш амалиётини бекор қилиш.</p>		
5	<p>Диссертацияларни (“ХДФУ” ва бошқа грифли диссертациялар бундан мустасно) ОАК веб-сайтига жойлаштириш орқали илмий жамоатчилик томонидан диссертациялар электрон экспертизасини ташкил қилиш.</p>	<p>Дастурий таъминот ва илмий-ташкилий аттестация тадбирлари</p>	<p>Интернет тармоғида диссертациялар экспертизасини ташкил қилишнинг дастурий таъминотини тест режимида синовдан ўтказиш;</p> <p>диссертацияларни интернет тармоғида электрон экспертизадан ўтказиш ташкил қилиш.</p>	<p>2021 йил</p> <p>2021 йил. Қарорда белгиланган муддат</p>	<p>ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар</p>

6	Диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатини бекор қилиш. Халқаро нашрлар рўйхатини халқаро илмий-техник базалар асосида такомиллаштириш.	Янги таҳрирдаги низом	Миллий ва хорижий илмий нашрлар рўйхати бекор қилиш; «Scopus» ва «Web of science» халқаро илмий-техник базалар рўйхатига киритилган илмий нашрларда мақолалар чоп этиш қайдасини киритиш.	2021 йил. Қарорда белгиланган мuddат	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
7	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини низом талаблари асосида ташкил этиш ва улар тизимини такомиллаштириш тадбирларини изчил давом эттириш.	Илмий-ташкилий ва тарғибот тадбирлари	Низомлар асосида илмий кенгашлар фаолияти ташкил этиш ва замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда улар тизимини такомиллаштириш.	2021 йил. Доимий	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
8	Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш.	Янги таҳрирдаги низом	Амалдаги низом тубдан қайта кўриб чиқилиб, жумладан хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тўғридан-тўғри тан олиш тартибини амалиётга жорий қилиш.	2021 йил	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
9	Талабгорларни илмий даражаларда тасдиқлашни босқичма-босқич жойларга беришнинг муҳим платформаси сифатида диссертациялар аттестациясини жамоатчилик электрон экспертизаси асосида амалга ошириш тадбирларини ташкил қилиш.	Бошқарувнинг янги усули	Аттестация жараёнини бошқаришнинг янги тизимига, бошқарувнинг маъмурий усулидан жамоатчилик бошқарув усулига ўтишга асос солинади ва тадқиқотларни экспертизадан ўтказиш маданияти янги поғонага кўтарилади.	2021 йил. Қарорда белгиланган мuddат	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
10	Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларни янги босқичга кўтариш.	Илмий-ташкилий тадбирлар	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйиш.	2021 йил	А.Юсупов масъул ходимлари
11	Масъул ходимлар билимини муттасил ошириб боришни ташкил қилиш.	Илмий-ташкилий тадбирлар	Масъул ходимлар касбий билимини семинар, норматив ҳужжатларни ўрганиш, ўқув курслари асосида ошириб бориш.	2021 йил	А.Юсупов масъул ходимлари

<b>5. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси жараёнига рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш</b>					
1	Илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича аттестация ишларини электрон хужжат айланиш тизими орқали қабул қилиш (жўнатиш)нинг дастурий таъминотини амалиётга жорий қилиш.	Дастурий таъминот	Илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича аттестация ишларини ахборот тизимлари орқали қабул қилиш (жўнатиш) дастурий таъминотларини такомиллаштириш.	2021 йил. Қарорда белгиланган муддат	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
2	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг ОАК веб-сайтидаги ягона порталининг дастурий таъминотини амалиётга жорий қилиш.	Илмий кенгашлар ягона портали	Илмий жамоатчиликка илмий кенгашлар фаолияти ва талабгорларга оид масалалар юзасидан сифатли маълумотларни ўз муддатида тақдим этиш ва мониторинг сифатини оширишни таъминлаш.	2021 йил октябрь-декабрь	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
3	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини электрон рейтинг асосида баҳолашни амалиётга жорий қилиш.	Методология, методика ва дастурий таъминот	Низомлар талаблари асосида илмий кенгашлар фаолиятини баҳолашнинг асосий йўналишлари, рейтинг асосида баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш методикаси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил июль-декабрь	ОАК ИКенгашлар
4	Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, ҳуқуқий билим ва хабардорлигини мунтазам ошириб бориш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш.	Ташкилий чоратadbирлар	Ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва сабабларини бартараф этиш.	2021 йил. Доимий	ОАК, ИКенгашлар
<b>7. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасидаги янгиликларни илмий жамоатчиликка етказиш</b>					
1	Аттестация соҳасидаги янгиликларни илмий жамоатчиликка тезкор етказишни таъминлаш.		Соҳага оид янгилик ва маълумотларни илмий жамоатчиликка тезкор етказишни таъминлаш; ОАК веб-сайтини мазмунан янада такомиллаштириш.	2021 йил сентябрь-декабрь	ОАК матбуот хизмати

2	Ижтимоий тармоқларда ОАК саҳифаларини кенгайтириб бориш.	Ижтимоий тармоқлардаги воситалар	Ижтимоий тармоқларда ОАК саҳифаларини кенгайтириш ишлари амалга ошириш.	2021 йил	ОАК матбуот хизмати
3	Матбуот конференцияларини режа асосида ўтказилишини ташкил қилиш.	Матбуот тадбирлари	Матбуот тадбирлари	2021 йил	ОАК матбуот хизмати
4	Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида 2020 йилда тасдиқланганлар тўғрисидаги маълумот-номани китоб шаклида чоп этишни ташкил қилиш (2 та жилд).	Китоб	Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар тўғрисида кенг камровли маълумотлар китоб шаклида чоп этилади ва илмий жамоатчиликка етказилади.	2021 йил июнь-август	ОАК матбуот хизмати
5	Фан доктори (DSc) илмий даражасида 2020 йилда тасдиқланганлар тўғрисидаги маълумот-номани китоб шаклида чоп этишни ташкил қилиш.	Китоб	Фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар тўғрисида кенг камровли маълумотлар китоб шаклида чоп этилади ва илмий жамоатчиликка етказилади.	2021 йил июнь-август	ОАК матбуот хизмати
<b>2021 йилдаги фаолият самарадорлиги ва мақсадли кўрсаткичларни баҳолашнинг асосий мезонлари</b>					
1	Талабгорларни фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларда тасдиқлаш натижаларини умумлаштириш ва муҳокама қилиш.	Илмий-ташкилий аттестация тадбирлари	PhD ва DSc илмий даражаларида тасдиқлаш натижаларини ОАК Раёсатида муҳокама қилиш ва тегишли қарор қабул қилиш.	2021 йил	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
2	Талабгорларни профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларида тасдиқлаш натижаларини умумлаштириш ва муҳокама қилиш.	Илмий-ташкилий аттестация тадбирлари	Профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларида тасдиқлаш натижаларини ОАК Раёсатида муҳокама қилиш ва тегишли қарор қабул қилиш.	2021 йил	ОАК ОТМ/ИТМ
3	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини тегишли низомлар асосида ташкил қилиш ва натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.	Илмий-ташкилий аттестация	Илмий кенгашлар фаолиятини доимий таҳлил қилиш, талаб ва мавжуд илмий салоҳият асосида	2021 йил июль-декабрь.	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар



		тадбирлари	улар сонини ошириб бориш. Бу жараёнда вилоятларда жойлашган ОТМ ва ИТМ ҳузурида PhD ва DSc илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар тизимини кенгайтириб бориш.		
4	Илмий натижаларни амалиётга жорий қилишни таъминлашда фаол иштирок этиш.	Илмий-ташкилий аттестация тадбирлари	Илмий натижаларни амалиётга жорий қилишни таъминлашда фаол иштирок этиш.	2021 йил июль-декабрь.	ОАК ОТМ/ИТМ ИКенгашлар
5	ОАКга юклатилган вазифалар ва топшириқларнинг муддатида ижросини таъминлаш	Илмий-ташкилий аттестация тадбирлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва бошқа ҳужжатларда ОАКга юклатилган вазифалар ва топшириқларнинг муддатида ижросини таъминлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил қилиш.	2021 йил	ОАК